O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
Инв. №

*Куч—адолатда*

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ☼ 1998 йил, 4 сентябрь, № 35 (178) ☼ Жума кунлари чиқади ☼ Сотувда эркин нархда

## ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.

* * *

Биз беозор ва мўмин халқмиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукурлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз. Бу яхши. Аммо... биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт.

*Инсон ва қонун*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА ЭРИШАЙЛИК

***Дин ва жамият. Дин ва Давлат. Ҳуқуқий давлатда бу икки тушунча орасидаги муносабатлар қай асосга қурилади? Албатта қонун асосига! Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Юнус АБДУЛЛАЕВ мухбиримиз билан суҳбатда вилоят миқёсидаги фактлар асосида шу хусусда сўз юритади.***

**— Юнус Юсупович, шу йилнинг ўзида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонун, Президентимизнинг «Диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қарорлари эълон қилиниб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришларга туртки берди. Фарғона вилоят прокуратураси идоралари юқоридаги Қонун, Фармон ва қарорлар ижроси бўйича қандай ишларни амалга оширяптилар?**

— Шу йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва виждон эркинлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширияпти.

Айни пайтда мавжуд 435 та мусулмон, 3 та бошқа динга мансуб диний жамоалар фаолияти қонуний рўйхатдан ўтгунларига қадар асосли равишда тўхтатилиб, 61 та масжид биноси жойлардаги қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига берилди. Чунончи, вилоят ва Қува тумани ҳокимларининг қарорлари билан туман марказида ҳашар йўли билан қурилган «Абу Ҳанифа» жоъме масжиди биноси хайрия тарзида тўлалигича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтиёрига берилди. Қувасой шаҳар ҳокимининг қарори асосида эса ҳашар йўли билан халқ пулига қурилган ва фаолиятлари қонуний асосда тўхтатилган 30 та масжид ва намозхона биноларидан 14 таси жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларига, 1 таси маданият-маърифат марказига бино қилиб берилди. 8 таси оталар чойхонаси учун ажратилди, 6 таси бошқа хайрли мақсадлар учун ажратилиб, 1 таси кам таъминланган ночор оилага уй қилиб берилди. Бундай мисолларни Бувайда туманидан, Марғилон шаҳридан ҳам келтириш мумкин.

Умуман, прокуратура идоралари томонидан текширилган 424 та масжид ва намозхоналарга 28,4 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, шошма-шошарлик билан биронтасига ҳам ердан фойдаланиш бўйича давлат акти берилмаганлиги, 363 та масжидларда эса масжид биноси қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларига эга эмаслиги аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, мавжуд 207 та масжид биносидан 206 таси шахсий мулк ёки ҳашар йўли билан, 1 таси жамоа хўжалиги ҳисобидан қурилган экан. Фарғона шаҳридаги «Тоиба», «Жўйдам», «Умол куро», «Кўчқорхожи Солижон ўғли», Тошлоқ туманидаги «Имом Хусаин», «Саид Хотам эшон» жоъме масжидлари, Бувайда туманидаги «Жоъме» ва «Сўфи Оллоёр» масжидлари қурилишига хорижлик фуқаролар 12 минг АҚШ доллари миқдорида хайр-эҳсон тарзида молиявий кўмак берганлар.

**— Кўриниб турибдики, масжид ва намозхоналар сони кўп. Уларнинг кўпларини фаолиятлари қонуний асосларда тўхтатилибди. Бироқ, диний жамоани рўйхатдан ўтказмаслик, газ, электрдан ўзбошимчалик билан, ким ўзарга фойдаланиш ҳоллари ҳам бўлганми?**

— Вилоят прокуратураси идоралари томонидан қонунчиликка риоя қилиниши бўйича ўтказилган текширишларда дин фаоллари томонидан диний жамоани қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаслик, масжид биноларига овоз кучайтиргичлар ўрнатиш, газ, электр энергияларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, газ, электр ҳақларини ўз вақтида тўламаслик каби, шунингдек, масжидларга хайрия мақсадларида топширилган пулларни банкка топширмасдан, ўзбошимчалик билан тасарруф қилиш, ер қонунчилигини бузиш, айрим раҳбарларнинг қонунсиз тарзда масжид қурилишлари учун маблағ ўтказишлари, ваҳҳобийлик оқимига мансуб шахслар томонидан жиноятлар содир этилиши ҳам аниқланди.

Қувасой шаҳар прокуратураси «Имом Идрис» жоъме масжидида 9757 сўм, «Мулла Тўрақул» жоъме масжидида 9816 сўм хайр-эҳсон пулларининг белгиланган тартибда банкка кирим қилинмаганини аниқлаб, масжид фаолларидан 6 нафар шахсга нисбатан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатди. Бувайда тумани прокуратураси «Бувайда» жоъме масжиди имом хатиби Р. Холиқов ва мутаваллиси Р. Жамолиддиновларнинг 1996—1998 йиллар давомида масжидга хайр-эҳсон тарзида фуқаролардан тушган 812 минг 100 сўм пулни банкка топширмай харажат қилганликлари учун маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиб, уларнинг ҳар бирини 3750 сўмдан жаримага тортди.

Қўқон шаҳар прокуратураси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 7 майдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши бўйича умумий назорат тартибида текшириш ўтказиб, 8 нафар ваҳҳобийлик оқимига мансуб шахснинг қонун талабини бузиб, жиноят содир этганлигини аниқлади. Натижада мавжуд Қонуннинг тегишли моддалари бўйича 8 та жиноят иши қўзғатилди ва 4 таси айблов фикри билан судга чиқарилди. 2 таси бўйича суд хукми ўқилди. Мисол учун фуқаро Рустам Алимов Қўқон шаҳрида яшаб келгани ҳолда 1995 йилдан то 1998 йилга қадар 38210 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда номаълум шаҳарлардан сотиб олиб, бу пулларни Миллий банкнинг Қўқон шаҳри бўлимида очилган шахсий ҳисоб рақамида сақлаб, бундан 87548 АҚШ долларини олиб, хорижга бориб, бир неча ўн миллион сўмлик халқ истеъмол молларини олиб келиб, фойда кўриш мақсадида сотиб, тушумларини касса дафтарига қайд этмасдан, даромадини қасддан яширганлиги учун ва 29638 сўмлик давлат солиғини тўламаганлиги учун унга Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди.

**— Ваҳҳобийлик оқимига мансуб кимсаларнинг қўшни Наманган вилоятида амалга оширган жиноятлари ҳақида хабаримиз бор. Фарғона вилоятидаги ваҳҳобийликка мансуб шахслар томонидан одам ўлдириш ва бошқа оғир жиноятлар ҳам содир этилганми?**

— Умуман, ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ваҳҳобийлик, оқимига мансуб 480 нафар шахс аниқланиб, шуларнинг 96 нафари жиноят содир этганликда айбланмоқда. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодексини тегишли моддалари бўйича 88 та жиноят иши қўзғатилди ва бундан 50 та жиноят иши бўйича 57 нафар айбланувчига нисбатан айблов хулосалари тасдиқланиб, судга чиқарилди.

Гап шундаки, ваҳҳобийликка мансуб кишиларнинг мақсадлари бўлакча. Вилоятимиздаги ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар бундай шахслар томонидан ўта оғир жиноятлар қилинишининг олдини олишга муваффақ бўлган бўлсаларда, улар энг аввало иқтисодиётни издан чиқариш йўли билан мустақиллигимизга путур етказишга уринмоқдалар. Бундай уринишлар турлича кўриниш, турлича услубларда амалга оширилганига қарамай, вилоятимиздаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хушёрлик кўрсатмоқдалар. Мисол учун фуқаро Ҳусниддин Мадмаров 1997 йил 3 декабрь куни кундуз соат 10.00 лар чамасида номаълум шахслардан ҳар бир донаси 100 сўмдан бўлган 500 дона «Сиёсат ва халқаро сиёсат» номли, ҳар бир донаси 100 сўмдан 400 дона «Ислом давлатини ёйиш» номли, жами 90 минг сўмлик, босмадан чиқарилган 900 дона босмахона белгиси бўлмаган китобларни Қўқон шаҳрига сотиш учун олиб кетаётганида Марғилон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ушланган эди. Солиқ идораси ходимлари уни Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 176-моддаси 2-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортишди. Марғилон шаҳар прокуратураси «Солиқ тўғрисида»ги қонунлар ижроси юзасидан умумий назорат тартибида текшириш ўтказишаётиб, солиқ инспекциясининг Ҳ. Мадмаровга нисбатан чиқарган қарорини ноқонуний деб топди ва Жиноят Кодексининг 188-моддаси 2-қисми «б» банди билан фуқаро Ҳ. Мадмаровга нисбатан жиноят иши қўзғатди.

Шунингдек, Марғилон шаҳар прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиши натижасида ваҳҳобийлик оқимига мансуб фуқаро Шерзод Назарбековнинг 1998 йил март ойида Марғилон шаҳрига келиб, шаҳардаги фуқароларни Конституцияга хилоф равишда амалдаги давлат тузумини ағдаришга ва исломий давлат тузишга даъват қилганлиги ҳам аниқланди. Ғаразгўйлик билан қилинган бундай ҳатти-ҳаракат 1998 йил 19 май куни фуқарро Ш. Назарбековга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 159-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, Марғилон шаҳрида 1998 йил 19 май куни прокуратура томонидан диний мазмундаги видео ёзувларнинг сотувга чиқарилиши текширилганида, «Феруз» фирмасининг видеокассеталар билан савдо қилувчи бўлими бошлиғи Д. Мадвалиев республика мусулмонлари диний идораси ва эксперт комиссиясининг рухсати бўлмаган 2 та диний мазмундаги видео ёзувларни сотаётганида ушланди. Фуқаро Д. Мадвалиевга нисбатан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 167-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди.

Бешариқ тумани прокуратураси ходимлари эса туман ИИБ ДАН ходимлари билан биргаликда 1998 йилнинг 28 май куни Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Зокир Собиров китоб савдоси бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиш тартибини бузганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бу шахс фойдаланиш учун бепул берилган «Қуръон» китобини, 20 дона «Мавлудин Набий» китобини ҳамда чоп этилиши таъқиқланган 181 дона «Арвоҳнома» китобларини қўшни Тожикистон Республикасига сотиш учун олиб кетаётган экан. Туман прокуратураси фуқаро З. Собировга нисбатан ҳам Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 176-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

**— Кейинги йилларда қишлоқ ва шаҳарларда баъзи диндорлар ўзбошимчалик билан, қонунга хилоф равишда ёшларга диний таълим беришга уринаётганлари сир эмас. Бу хусусда фикрингиз қандай?**

— Бу хусусда ҳам баъзи бир қонунбузилишлар аниқланди. Чунончи Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда шаҳардаги Сўх кўчаси 22-уйда яшовчи ваҳҳобийлик оқимига мансуб М. Ваҳобова, шу кўчада яшовчи Х. Жўраева ва шаҳарнинг «Авғонбоғ» кўчаси 259-уйда яшовчи В. Отажоновалар аёллар ва ёш қизларни уйига тўплаб, уларга ғайриқонуний равишда диний таълим бераётганларида, Ҳамза кўчаси 55-уйда яшовчи ваҳҳобийлик оқимига мансуб Л. Муҳсинова, Исломобод кўчаси 12-уйда яшовчи М. Набижонова 1998 йил 10 март куни аёллар ўртасида динни қонунга зид ҳолда тарғиб қилиб, даъват қилаётганларида ушландилар ва улар қонунни бузмаслик юзасидан расман огоҳлантирилдилар.

Марғилон шаҳри ва Риштон тумани прокуратуралари томонидан эса қонунга хилоф равишда диний таълим бериш билан шуғулланган Марғилон шаҳридаги «Имом Захриддин» масжиди имоми А. Раҳмонов, Риштон туманидаги Зохидон қишлоғида яшовчи Р. Зикриллаевларга нисбатан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Умуман, вилоят прокуратураси томонидан қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар якунига кўра, 1998 йилнинг биринчи ярмида 65 та тақдимнома, 288 та амрнома, 496 та огоҳнома берилди. 54 нафар шахс ижтимоий, 169 нафар шахс маъмурий, 296 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилиб, бу шахслардан давлат фойдасига 919,4 минг сўм ундирилди. 34,3 минг сўм моддий зарарни айбдор шахслардан ундириш, ҳақида 4 та даъво ариза қўзғатилди. Шунингдек 88 та жиноят ишлари қўзғатилиб, қонунчиликнинг аҳволи ҳақида маҳаллий ходимларга 22 та ахборот юборилди.

**Суҳбатдош: Қодирали АҲМАДАЛИЕВ.**



***Бугун кўзларни яшнатиб турган далалар деҳқонга қувонч бағишлайди. Қалб меҳри ила етиштирилган пахта ҳосили лўппи-лўппи очилиб чаноқлардан тўлиб тошмоқда. Йил бўйи қилинган меҳнатнинг самарасини кўз-кўз этиб турибди. Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан кўрилаётган амалий чоралар натижасида кун сайин терим суръатига суръат қўшилмоқда. Пискент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш чораларини кўришяпти.***

***СУРАТДА: жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Рамазон Давлатов (ўртада) Пискент тумани қишлоқ ва сув хўжалигининг бош ҳосилоти Бахтиёр Нуров ва тажрибали бригадир Эшонбой Умировлар билан йиғиштириб олинадиган ҳосилни чамалаб сарҳисоб этишмоқда.***

***Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.***

## БОЖХОНА КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

***2 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона коллежи очилди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан очилган бу ўқув масканида илк бор юздан ортиқ иқтидорли ёш ўқишни бошлаб юборди.***

Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ички бозорни ҳимоялаш, сифатсиз товарлар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва наркотик моддалар олиб кирилишининг олдини олиш, давлат божлари ва йиғимларини ўз вақтида ундириш энг муҳим вазифалардан биридир. Бу эса замон талабларига жавоб берадиган, ҳар томонлама етук, чуқур билимли ва маънавий соғлом божхона ходимларини тарбиялаб вояга етказишни тақозо этади. Янги коллеж ана шу мақсадга хизмат қилади.

Янги илм масканининг очилиш маросимига бағишланган йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Худойқулов сўзга чиқди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.




ПРЕТОРИЯ. Жанубий Африка Республикасида 220 мингдан ортиқ автомобилсозлар бир кунлик иш ташлаш эълон қилди. Улар автомобилсозларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида мамлакат касаба уюшмаларининг талабини қўллаб-қувватлашмоқда.

Мамлакат металлургия саноати вакилларининг ҳам 60 мингдан кўпроғи автобилсозлар талабини ёқлаб чиқди. Улар ҳам касаба уюшмалари талаби қондирилмагунча ишга чиқмасликларини маълум қилишди.

* * *



*СУРАТДА: Нью-Йоркдаги осмонўпар бинолар.*

ПЕКИН. Хитойнинг шимоли-шарқий ҳудудларида бир ойдан буён сув тошқинлари тўхтамаяпти. Шу боис ҳам мазкур ҳудудларда юқумли касалликлар тарқалиши хавфи пайдо бўлди.

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилининг маълум қилишича, Хэйлунцзян вилоятида юқумли касалликлар, айниқса кенг тарқалаётир. Юқумли касалликларнинг тарқалишига тошқин туфайли одамларни бир жойга йиғиш, яшаш учун ноқулай шароит, тозаликка риоя қилмаслик сабаб бўлаётир.

* * *

ТЕҲРОН. Эроннинг Афғонистонга чегарадош Торбете-жам ва Тейебат туманларида мамлакат қуруқлик ва ҳарбий ҳаво кучларининг 70 мингдан ортиқ аскари иштирокида «Ашура-3» номли ҳарбий машқлари бошланди.

Ҳарбий қўмондонлик вакилининг маълум қилишича, машқлар давомида душман эгаллаб турган ҳудуднинг 40 километр ичкарисига қўққисдан кириб бориш усуллари ўрганилади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ҳарбий машқлардан кейин қисмлар бошқа ерга кўчирилмайди, балки улар Афғонистонга чегарадош ҳудудларга жойлаштирилади.

* * *

СЯНГАН. Камбоджада шу йилнинг 26 июлида бўлиб ўтган парламент сайлови натижалари эълон қилинди. Миллий сайлов қўмитаси эълон қилган маълумотларга кўра, Камбоджа миллий партияси тарафдорлари 41 фоиз овоз олишга эришган ва парламентдаги 122 ваколатли ўриндан 64 тасига эга бўлган. Мухолифатдаги «Роялистлар» партияси эса 32 фоиз овоз олиб, парламентда 43 та ўринга эга бўлди. Яна бир мухолифатдаги партия - «Кхмер миллати» партияси эса 14 фоиз овоз билан парламентда бор-йўғи 15 ўринга эга бўлди.

*Луқма*

# ҲЕЧ КИМ БИЛМАСМИШ...

***Ўтган ўқув йилини лицей синфларида якунлаб, бу йил мактабга келган ўғил-қизлар ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Улар одатдагидек янги ўқув йилини не-не орзу-ҳаваслар билан ўқиётган лицей синфларида эмас, балки оддий, ҳамма қатори синфларда таълим олишдан бошлашди. Бу ҳол кечагина янги ўқув йилига мактаб қўнғироқлари жаранглаган кунда, аниқроғи Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги Ҳ. Ҳасанов номли 126-ўрта мактабда рўй берди. Шуниси қизиқки, болаларнинг нега бундай бўлди деган ҳақли саволларига синф раҳбарлари жўяли жавоб бериша олмади. Елка қисиб қўяқолишди***

Дарсдан сўнг ўқувчилар ота-оналарига шу гапни айтишди:

— Мактабимиздаги лицей синфларини нега йўқ бўлиб кетганини ҳатто синф раҳбарларимизнинг ўзлариям билишмасмиш...

Қизиқ: ҳозир айни таълимдаги ислоҳотлар тобора чуқурлашаётган, иқтидорли ўқувчилар изланаётган, энг муҳими уларга катта умид ва ишонч билан қаралаётган бир пайтда шундай бир замонавий мактабда ишлаб турган лицей синфлари ҳе йўқ, бе йўқ йўқ бўлиб, оддий синфларга айлантирилсаю, синф раҳбарлари бунинг боисини ўқувчиларга тушунтириб бера олишмаса. Бор-йўғи елка қисиб қўяқолишса. Бу нима деган гап ахир? Умуман, бундай синфларни йўқ қилиб оддийсига айлантириш кимга, нима учун керак бўлиб қолдийкин?

Ўзи аслида мактабда лицей синфларини ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Шунга монанд шу йўналишда ўқиётган ўқувчилар ҳам ўз синфларига мос равишда яхши ва чуқур билим олиб, ўз тенгқурларидан олдинда бўлишга интилишарди. Қолаверса, бу ҳам мактаб жамоасининг ўзига яраша фахру ифтихор туйғуларини яратади. Ахир болалар лицей синфларида ўқишаяпти. Эртага улар мактабнинг шаънига, шуҳратига шуҳрат қўшишига шубҳа йўқ. Аммо энди-чи? Энди улар ўзларининг нималари билан қувонадилар. Оддий, бир-бирларидан фарқ қилмайдиган синфлари биланми?

Энди яна бир мулоҳаза туғилади. Ўтган ўқув йилининг якунида лицей синфларининг бирида ота-оналар мажлиси бўлиб ўтди. Ўз боласининг тақдирига жиддий қараётган кўплаб ота-оналар синф муаммоларини ҳал этишда синф раҳбарига кўмак беришга бажонидил рози бўлдилар. Ҳатто синфни янги ўқув йилига тайёрлаш учун кўпчиликлари 500 сўмдан пул ҳам бердилар. Болаларининг яхши ўқишига умидвор бўлган, ҳеч қандай ёрдамдан қайтмайдиган бу ота-оналар фарзандларининг яна оддий синфларга тушиб қолишганини кўриб энди қандай аҳволга тушишаётган экан! Ахир замон илгарилаб бормоқда. Ҳамма жойда қандайдир янгилик қилиб бошқаларни ҳайратга солиш иштиёқи тобора кучайяпти. Шунга монанд қилинаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётгани сир эмас. Аммо бу мактабда ана ўшандай интилишларга йўл очиш ўрнига орқага қайтилганини, ҳаммани бирдек оддий синфларда ўқишини маъқул кўрилганини барибир ҳеч тушуниб бўлмаяпти.

Аслида кимдир қуради, кимдир эса бузади. Қургани яхши, фойдага қолади. Аммо бузгани-чи?

Бундан ким қандай манфаат топади?!.

**Рустам ДОСТОН.**

